

O'zbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOVIY GAZETASI □ 2000 YIL 28 NOYABR SESHANBA № 139 (26.689)

ИТАЛИЯ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жорий йил ноябрь ойида Италияга расмий ташрифи бошлангандан олдин мазкур мамлакат оммавий ахборот воситалари республикамизга бағишланган қатор туркум мақолалар эълон қилди.

Италияда нашр этиладиган «Коррьере Еуропо» («Европа курьер») ҳафтаномаси октябрь ойидаги сонларининг бирида Ўзбекистон иқтисодидеги янгиликлар, аниқроқ қилиб айтганда, хусусийлаштириш жараёнларининг бориши, қишлоқ ҳўжалиги ва саноатимиз ривожланиши оидлари билан ўз ўқувчиларини таништирди. «Мамлакат ҳукумати яратган кулай шарт-шароитлар тўғрисида, яъни солиқ соҳасидаги имтиёзлар, кредитлар, ишбилармонларнинг ўз ишини бошлаши учун содалаштирилган тартиб-қоидалар ўрнатилгани натижаси ўларок, — дейилади мақолада, — Ўзбекистонда миллий иқтисодий ривожлантиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг ишти-

роқи ўсиб бораётир». Худди ана шу ҳафтаномада чоп этилган яна бир мақолада мамлакатимизнинг нефть тармоғи хусусида ҳикоя қилинади. Жумладан, мақолада таъкидланганидек, «Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида нефть ва газ ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўймаган ягона мамлакатдир. 1991-1999 йиллар давомида куюк углеводород (нефть ва конденсат) ишлаб чиқариш учун баробар ўсди. Шу билан бирга, — дейилади мақолада, — Ўзбекистон асосий газ ҳамда нефтини қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш йўли билан ўз инфраструктурасини ривожлантирмоқда». Мақолада ўзбек нефть маҳсулотларига ўрта Осиё бозорига эҳтиёж оғиш бораётгани билан боғлиқ муҳим жиҳатлар ҳақида ва бу ҳорижий сармоядорлар учун ажойиб имконият эканлиги хусусида сўз боради.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Италия матбуотида Ўзбекистон Президентининг мазкур мамлакатга ташрифи жуда кенг, хусусан, ташрифининг ҳар бир кунини муфассал ёритилди. Бу эса Италия жа-

моатчилигининг мамлакатимизга қизиқиши гоят катта эканидан далолатдир. Мазкур «Коррьере Еуропо» нуфузли иқтисодий ҳафтаномаси учун «Каримов Италияда: Ўзбекистон — шерик» сарлавҳали мақолани тайёрлаш жараёнида италиялик журналистлар Ислмо Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарига мурожаат қилишди. «Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан Битим имзолаганини қайд этиб, Президент Ислмо Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон ташқи сиёсати қўламлиги анча кенгайди, Европанинг алоҳида мамлакатлари ва бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик борасида ҳам шундай дейиш мумкин», дейилади мақолада. Ҳафтаноманинг худди шу сонидан чоп этилганидек, Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ижобий ҳолати қайд қилиниб, унда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама этилди. Ҳафтанома италия ташқи ишлар вазир Ламберто Динининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Италия

АРТУР ЯНА ГОЛИБ

Олмониядан тарқалган хушхабар миллионлаб бокс ишқибозларини мамнун этди. Енгилмас номини олган профессионал боксчи Артур Григорян 13-мартта жаҳон чемпиони олтин камарини сақлаб қолди. Бу гал у таңқуш боксчи, колумбиялик Антонио Пилотуа билан рингга чиқди. Қизғин ва муросасиз жанг узок давом этди. Голиб тақдири 12-раунда ҳал бўлди. Ҳақам очқолар бўйича зафар қучган Артурнинг қўлини кўтарди.

■ Азамат ПИРНИЁЗОВ

МЕНДА ТАКЛИФ БОР АЖИБ САБОҚ БЎЛАДИ

Бобомиз соҳибқирон Амир Темур номи билан юритилувчи хибон ҳамisha гавжум ва серфайзлиги билан ажралиб туради. Қўрақам бу масканга ҳар гал келганимда бир ҳаёл менга тинчлик бермайди. Боиси, соҳибқирон нафақат буюк саркарда, балки етук маънавий соҳиб бағишчилари билан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам бу хибонни бобомиз ўғитлари битилган лавҳачалар билан безатилса ёшув кекса ва меҳмонлар учун ажиб сабоққа айланарди. Илҳом бўлса, бундай ёзувлар лотин алфбосига асосланган соф ўзбекча ва инглиз тилида битилса нур устига аъло нур бўларди.

■ Сулаймон ҲАЙДАРОВ

Оамимий қўтловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУХТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу Куръони шариф нозил бўлган илоҳий ҳидоят ва руҳий покляниш оий — Муборак Рамазон оий бошланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва мусулмон халқига самимий табрикларимни йўллайман. Илоҳий тавфиқ шарофати ила Аллоҳнинг бандаларига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ адалсиз файзу раҳмати ёғилувчи бу қўтлуғ оийнинг хайру баракотидан баҳраманд бўлган ҳолда, нафони келаш ва покляниш билан бирга, ўзаро тушуниш, ҳурмат асосига қўрилган ва ҳар қандай зулм ва тенгсизликдан йироқ инсоний жамият барпо этиш йўлида қадам ташлаш оламиз, дея умид қиламан. Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар ва омонлик, Ўзбекистон Республикасининг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

■ Сайид Мухаммад ҲОТАМИЙ, Эрон Ислмо Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон оий кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ва халқи номидан энг эзгу тилақлар йўллаш ва эҳтиром изҳор этишдан мамнундиримиз. Ушбу муқаддас ой Сизга, биродар ўзбек халқига ва барча мусулмонларга давомий тараққиёт ва фаровонлик олиб келди, деб умид билдираимиз.

■ Абдуллоҳ ИККИНЧИ, Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Бутун мусулмон дунёси муқаддас Рамазон оий кириб келишини нишонлаётган ушбу кунларда Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номидан эзгу тилақлар ва энг яхши табрикларни йўллашдан гоят мамнунман.

Аллоҳ ушбу муқаддас ой давомида бутун мусулмон оламини ўз марҳаматидан баҳраманд этсин.

■ Маъмур АБДУЛҚАЙОМ, Малдив Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон оийнинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Сиз орқали муҳтарам Ҳукуматингиз ва қардош халқингизга Фаластин халқи, унинг раҳбарияти ва шахсан ўз номидан самимий табрикларим ва эзгу тилақларимни йўллашдан бахтиёрман. Узимнинг қардошларча табрикларимни изҳор этиш билан баробар, Сиз Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига раванқ ва тараққиёт тилайман.

■ Ёсир АРАФОТ, Фаластин Мухторияти раиси


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 28 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоб, статистика ва бошқа хисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона тўловлари учун қорғий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматидаги қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	164,80	10 Либия доллар	65,88
1 Австрия шиллинги	19,31	1 Малайзия рингити	83,23
1 Англия фунт стерлинги	443,22	1 Германия маркаси	135,87
10 Бельгия франки	65,88	1 Польша злотийси	69,63
1 Голландия гульдени	120,59	1 СДР	403,30
10 Греция драхмаси	7,81	1000 Туркия лираси	0,46
1 Дания кронаси	35,65	1 Евро	44,70
1 БАА дирҳами	86,11	1 Франция франки	40,51
1 АҚШ доллари	316,25	1 Швейцария франки	175,58
1 Миср фунти	82,36	1 ЕВРО	265,74
10 Испания песети	15,97	10 Жанубий Корея вон	2,67
100 Италия лираси	13,72	10 Япония иенаси	28,44
1 Канада доллари	205,54	1 Россия рубли	11,34
1 Хитой юани	38,20	1 Украина гривнаси	58,17

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ — БОШ МАСАЛА



ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ: У ҚАЙ ШАКЛДА БЎЛАДИ?

Куйи ва Юқори палатани биз қандай қўришни хоҳлаймиз, Утиш жараёни қай ҳолатда олиб борилиши керак, каби саволлар Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан яқинда Миллий матбуот марказида ўтказилган сиёсий партияларнинг давра суҳбатида ҳам бош мавзу бўлди. Суҳбатда ҳар тўртала сиёсий партиядан ҳам вакиллар иштирок этди. Хуллас, парламент ислоҳоти бугун муҳим демократик ислоҳот тарзида майдонга келди. У жамиятдаги ҳар бир сиёсий партия, қолаверса, ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Чунки парламент эртанги кунимизнинг бир қўринишидир. Олам бо-



МММДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИГИЛИШ АНА ШУ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Куйи ва Юқори палатани биз қандай қўришни хоҳлаймиз, Утиш жараёни қай ҳолатда олиб борилиши керак, каби саволлар Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан яқинда Миллий матбуот марказида ўтказилган сиёсий партияларнинг давра суҳбатида ҳам бош мавзу бўлди. Суҳбатда ҳар тўртала сиёсий партиядан ҳам вакиллар иштирок этди. Хуллас, парламент ислоҳоти бугун муҳим демократик ислоҳот тарзида майдонга келди. У жамиятдаги ҳар бир сиёсий партия, қолаверса, ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Чунки парламент эртанги кунимизнинг бир қўринишидир. Олам бо-

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китоби кенг омма ўртасида катта қизиқиш билан қарши олинди.

Шу боис мазкур китоб тақдироти, уни ўрганиш ва унда баён этилган ғояларни тарғиб этиш барча корхона, ташкилотларда, ўқув юрталарида авж олиб кетди.

Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашида бўлган ушбу китоб тақдироти бағишланган йўналишда пойтахтимизда фаолият курсатаётган барча сиёсий партиялар, олий ўқув юрталари, туман ҳокимликлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда мазкур китобнинг ҳар бир бобига алоҳида тўхталиниб, китоб мам-



СИМ ОРКАЛИ СУХБАТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ЎҚИШДАН ҲАЙДАШДИ

қатини тоқ қилди. Оқибат чемпиони талабалар сафидан ўчирилди. Камина шу ғаройиб ҳолга аниқлик киритиш умидида Новгород университетига телефон қилдим. Бир амаллаб ректорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари Сергей Владимирович Гудиллов билан боғландим. У киши мақсадимни эшитиб, телефонни қўйиб қўйди. Яна қўнғироқ қилдим. Тошкентдан, газетадан қўнғироқ қилаётганимни тушунтирдим. — Бир ҳафтадан бери шу иш билан шуғулланганим, ҳар соатда қўнғироқ бўляпти. Менинг бошқа ишим йўқми? — деди ниҳоят оғриниб. — Барибир... жаҳон чемпи-

СИМ ОРКАЛИ СУХБАТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ЎҚИШДАН ҲАЙДАШДИ

қатини тоқ қилди. Оқибат чемпиони талабалар сафидан ўчирилди. Камина шу ғаройиб ҳолга аниқлик киритиш умидида Новгород университетига телефон қилдим. Бир амаллаб ректорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари Сергей Владимирович Гудиллов билан боғландим. У киши мақсадимни эшитиб, телефонни қўйиб қўйди. Яна қўнғироқ қилдим. Тошкентдан, газетадан қўнғироқ қилаётганимни тушунтирдим. — Бир ҳафтадан бери шу иш билан шуғулланганим, ҳар соатда қўнғироқ бўляпти. Менинг бошқа ишим йўқми? — деди ниҳоят оғриниб. — Барибир... жаҳон чемпи-

СИМ ОРКАЛИ СУХБАТ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ЎҚИШДАН ҲАЙДАШДИ

қатини тоқ қилди. Оқибат чемпиони талабалар сафидан ўчирилди. Камина шу ғаройиб ҳолга аниқлик киритиш умидида Новгород университетига телефон қилдим. Бир амаллаб ректорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари Сергей Владимирович Гудиллов билан боғландим. У киши мақсадимни эшитиб, телефонни қўйиб қўйди. Яна қўнғироқ қилдим. Тошкентдан, газетадан қўнғироқ қилаётганимни тушунтирдим. — Бир ҳафтадан бери шу иш билан шуғулланганим, ҳар соатда қўнғироқ бўляпти. Менинг бошқа ишим йўқми? — деди ниҳоят оғриниб. — Барибир... жаҳон чемпи-



XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАҒАҚҚУР АСРИ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАҒАҚҚУР ТАРАҒДОРИ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:	
«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121

Маълумки, мустақиллик тарихий воқеани танта-нали эълон қилишдан бошланади. Аммо, мустақилликни эълон қилиш — сийёсий тадбирлардан бири, холос. Мустақилликни ҳаётга олиб кириш, уни халқ, миллат учун кундалик воқеликка айлантириш унинг мазмуни ва моҳиятини ташкил қилади. Ушандагина, мустақилликнинг жамият тароққуётига таъсири нақадар жиддий эканлиги билинади. Шу боисдан, мустақиллик эълон қилингандан сўнг ўтиш даври бошланади, яъни мустақилликка эришиш давлат, халқ, миллат ўтиш даври давомида мустақилликни англаб етати, мустақиллик муносабати билан шаклланган янги вазифа ва янги имкониятларни аниқ белгилаб олади. Бу жараёнлар маълум йилларни эгаллайди.

Ўтиш даврини мустақилликка эришган барча халқлар, миллатлар бошда кечирганлар. Лекин, бу жараён турли халқларда турлича суратларда кечган. Айниқса, мустақил миллий давлатлар яратилиш учун курашнинг илк асрларида бу жараён низоҳатда секин, қарши кучлар билан чексиз тўқнашулар орқали амалга ошган. Бу жараён ўтмишда, кўпинча, аниқ назарий ва мафкуравий йўл-йўриққа эга бўлмай, оломонсифат ҳаракат тарзида намён бўлган.

Асрлар ўтган сари мустақиллик учун кураш ва уни кундалик воқеликка айлантиришнинг ҳаёт таърибига суянган оқидна йўллари назарий жиҳатдан асосланади ва бу жараёнларни кўп қарра тезлаштиришга олиб келади. Бу жиҳатдан, айниқса, XX аср давомида инсоният ибратли ўзгаришларнинг шоҳиди бўлди. Маълумки, XX аср ичида Ер юзидagi мустақил давлатлар сонини уч баробардан ошди кўпайди.

Афсуски, мустақиллик сийёсати ва мустақиллик йўлларида Ўзбекистон ва ўзбек халқи мустақилликни деврли бир аср кечкиб қўлга киритди. Аммо, бундай вазиятнинг ўзига ярашқин ижобий томонлари ҳам маъжуд. Биз мустақилликни мустақамлашда,

уни кундалик ҳаётимизга олиб киришда инсониятнинг барча таърибига ва бу таърибани умумлаштириш асосида шаклланган назарияларга суянмаиз ва бу орқали кун тартибимиздаги долзарб масалаларни ҳал этишни тезлаштираемиз. Яна бир ижобий омил шундан иборатки, Ўзбекистон ўз бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда бизга амалий ва назарий жиҳатлардан етук раҳбар Президент Ислам Каримов бошчилик қилмоқда.

Мустақилликимизни кундалик ҳаётимизга олиб киришда айланган йўллари тўғрисида фикр юритар экан, Президент «миллий истиқлол госяи бугунги тез суратлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзалигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис қилиб яшава, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тароққуёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур деб биламан», дейди.

Шу ягона жумлада Юртбошимиз ўтиш даврининг бутун бир дастурини белгилаб берди. Шу дастурдан биз фақат фикр фикрни оламиз. Миллий истиқлол госяи тўғрисида сўзлаб, Президент биринчи ўринга ўзалигимизни англашни қўяди.

Нима учун? Шу саволга жавоб излар эканлар, тадқиқотчилар шу нарсага эътибор берганларки, халқ, миллат худди бир киши, худди бир инсондек қаралиши мумкин экан. Масалага бундай қаралганда, унинг моҳияти ва акс-садо ҳаракатини тушуниш осонлашади, соддалашади. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзининг жамиятдаги ўрнини аниқламоқ, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, ўз мавқеи ва қадрини билмоқ учун ўзини бошқалардан ажратиб қаради-да, «мен кимман?» деб ўзи ўзинга савол беради. Бу саволга тўғри жавоб бермоқ учун ўзининг ёши, келиб чиқиши, хунари, имконияти, жисмоний кучи ва ақлий салоҳиятини холисона аниқлаб олиши керак. Мустақилликка

эришган давлат, халқ, миллат ҳам худди шундай ишни баҳармоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, биз ўзимизни ўзимиз ўрганишимиз, ўзимизни ўзимиз танишимиз керак. Масала бундай қўйилишини кўриб, «ҳа, биз ўзимизни биламиз-ку! Тарихимизни, маънавиятимизни, маданиятимизни, фалсафамизни, тилимизни, адабиётимизни мактабда ва олийгоҳларда ўрганмоқдамиз-ку!» дейдиганлар топилади. Бу фикрда маълум асос бор. Аммо, биз ўқитган, биз ўрганаётган фан ва билим соҳалари истиб-

бир мисолини тарихимизни ёритишга муносабатда ҳам кўриш мумкин: 1990-1997 йилларда Ўзбекистонда тарих бўйича ёқилган ёки ишланган диссертацияларнинг 95,5 фоизи Ўзбекистоннинг 1865-1995 йиллардаги тарихини ишлашга бағишланган, 1865 йилгача бўлган уч минг йиллик тарихимизга эса фақат 4,5 фоиз жой ажратилган. Тарихимизга шундай муносабат сақланган экан, биз қандай қилиб кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг зоти эканлигимизни билишимиз ва ҳис эти-

гани шахсан И. Сталин берганлиги ҳақида биз лом-ним демаймиз ва шу билан тарихимизнинг кўп қисмида тарих ҳолларига бефарқ қарашни давом эттирмаймиз. Ўзбек халқининг ақл-заковати, фаросати, яъни менталитети тарих, асрлар давомида аста-секин шаклланган. Ўзига хос миллий онгимизни оқоридан берилган маълум бир қоида ва қоилага солиш уриниш миллий ўзалигимизни англашга узоқ йиллар давомида жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. Ўтишнинг ҳукмирон мафкураси

ри, янги давр миллатлари ва ҳозирги замон миллатлари тўғрисида фикр юритиш етарли илмий асосга эгадир. Шу асосда ўз миллатимизнинг тарихига боқсак, албатта, Форобий, Беруний каби ўнлаб инсонларни воёга етказган халқимиз ҳали миллат эмас эди, у тарқоқ ҳолда бўлиб, элат даражасида эди дейиш мантиқсиз фикр бўлур эди. Мўғуллар истилоси йилларда миллатимиз таназзулга юз тутди. Амир Темур, Улугбек, Навоий ва Бобурлар замонида миллатимиз яна ўзини тиклаб олди. XVI

ТАРИХ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ

нинг фикрича, X асрдан олдинги даврда умуман бизнинг халқимизнинг мавжудлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, чунки, ўша замонда туркий тилда сўзлашадиган тарихий ташкил топган бирлик бўлмаган. Аммо, қаврда айтилганки, миллат ўзининг тарихий тароққуёти жараёнида фақат ағона бир тилда сўзлашиши шарт деб? Бизнинг аждодларимиз ўзларининг уч минг йиллик тарихининг давомида мавжуд шарт-шароитлар билан ҳисоблашиб, ўша давр, ўша замон талабларига жавоб берадиган қўлай тилни, қўлай динни қабул қилганлар. Биз ўз аждодларимизнинг фақат тил асосида белгилашимиз масалага тор ва хато қараш бўлади. Ўзбек халқининг аждодлари тили, дини, эътиқоди, урф-одатларидан қатъи назар Амударё ва Сирдарё оралигини ва унинг атрофларини инсоният цивилизациясининг асосий маконларидан бирига айлантирилган барча авлодлардир.

Шундай экан, тарихчилар, археологлар, этнографлар, этнологлар, маънашунослар, файласуфлар ва бошқа ижтимоий фанлар вакиллари диққат-эътибори ана шу ҳақиқатни асослашга қаратилиши даркор. Шу масалалар илмий жиҳатдан ишланмаганлиги тўғрисида биз XX асрнинг охириг палларига қадар ўзалигимизни англаб улгурганимизча йўқ. Биз ҳозиргача «Авесто»ни бизга таниш, лекин, биздан узоқ нарса, деб билаемиз. Холбуки, халқимизнинг маънавий тарихи, ўзалигини англаши, билимлар доираси, табиат ва жамият ҳақидаги тушуначлари, ахлоқ-одоб ва ҳаёт, экологик тавсиялари, умуман фалсафаси «Авесто»дан бошланади. Биз асрлар давомида ислом динининг фалсафасий асосларини яратган ва мустақамлаб келган диёр вакиллари сифатида ўзимизни таниб ва англаб келганмиз. Аммо, ислом динидан аввалги зардуштийлик дини, монийлик ва маъдакийлик тавлимотлари халқимизнинг онига, менталитетининг шак-

лланишига низоҳатда чуқур таъсир кўрсатганлигини ва бу таъсир ҳозир ҳам ҳаётимизда мавжуд эканлигини кўпича билмаймиз, чунки, бу масала ҳам илмий жиҳатдан ўрганилмаган, халқимизга лўнда қилиб тушунигиб берилмаган. Халқимизнинг кўпчилик қисми аждодларимиз миллоддан неча асрлар илгарироқ минтақамизда ўзларининг амалий эҳтиёлларини инобатга олиб, ўз ёзувларини яратганларини ва бу ёзувдан кенг фойдаланганларини билмайди-лар. Шу жумладан, Алишер Навоий ҳам исломгача бўлган бу ёзувдан фойдаланган. Бу муҳим масала ҳам ўрганилмаган ва халқимизнинг кенг оммасига етказилмаган. Шунинг натижасида, XX асрнинг 90-йилларигача шаклланган миллий онгимиз, миллий ўзалигимиз истибод фани, мафкураси тарғиб этган ва йўл қўйган доирада шаклланган тор, хато заминга таянади ва моҳиятан, миллий онгимизни, ўзалигимизни саёвлаштиради ва қашшоқлаштиради, бизга «ўзбеклар ўтмишда қолоқ мустамлака халқи бўлган, улар доимий равишда улкан ва кенг имкониятга эга халқлар васийлигинда бўлиши керак», деган гоғни онгимизга қайта-қайта сингдиromoқчи бўлади.

Биз мустақиллик йўлидан собитқадимлик билан илгариллаб бормоқдамиз. Ўз кўчимиз, ўз имкониятларимиз, келажакимизга бўлган ишонч ўзалигимизни англашда, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларга, қандай қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшаи, бу бойликни бутун жаҳон тароққуёти ютуқлари билан озиқлантириб бориш бу муаммолар ижобий ҳал этилишининг гаровидир.

■ **Кўчқор ХОНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор**

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — УМУММИЛЛИЙ ВАЗИФА

дод тизими белгилаб берган доиралардан чиқмай келяпти. Истибод тизими кемтиклик, норасолик ҳиссини бизнинг илгимизгача сингдириб юборди. Ханузгача истибод оҳанги доирасидан чиқолмай, ўша даврнинг ақидалари билан хайрлашмай юрганлар орамизда кам эмас. Масалан, қатор етказчи файласуфларимиз «Фалсафа умуминсоний фан. Миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас», деб даъво қилдилар. Холбуки, «миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас» деган ақиди истибодчиларнинг «бутун дунё пролетарларини бирлаштириб, миллатларсиз инсоният яратиб» гоғсини фалсафа соҳасига татбиқ этилишидир. «Миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас» дейиш улуг аждодларимизнинг жаҳон фалсафасига қиритган улкан ҳиссаларини инкор этиш, демакдир. Афсуски, бундай мисоллар ҳар қадамга дун келмоқдамиз. Улуг аждодларимизнинг инсоният маданияти ва фани учун хизматларини истибод даври талабларига бўйсуниб, холисона илмий таҳилдан чекланишининг яна

шимиз мумкин?! Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 40 мингдан ошқ шарқ кўлэмаларининг фақат олти мингигагина бир сира рўйхатдан ўтказилганлиги, қолганларига эса хали кўп текзилмаганлиги ҳеч кимга сир эмас. Холбуки, бу кўлэмалар юзага чиқарилса, жаҳон фалсафа фани тарихида янги олтин саҳифа очилиши шубҳасиздир. «Бу кўлэмалар диний фалсафа» деб илмий тадқиқот манбаи қилинмаганлиги бу дурдоналарнинг диққат-эътиборсиз қилиб кетишига сабаби бўлган. Ҳозирги биринчи, илк холисона тадқиқотлар истибод даврида тарихимиз, фалсафамиз ва бошқа фанлар соҳалари ҳам камситилиб, бузиб кўрсатилгандан далолат беради. Биринчидан, Урта Осиё тарихида яшаб ўтган мутафаккирлардан фақат Европа ва АҚШ энциклопедияларида номлари оғизга олинганларигина фалсафа курсида қайд қилинган, деган марказ кўрсатмаси, ундан ташқари СССР тарихи ўқитилганда Амир Темур номи айтимасин, деган ёзма фикр-кўрсат-

мажбуран онгимизга ортан нарса халқимиз элат-халқ сифатида X-XII асрларда, миллат сифатида эса XX асрнинг 30- йилларида биринчи марта шаклланган «илмий ҳулоса» эди. Бундай ҳулоса ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихига юзага ва ҳукмирон мафкура ақидаларини кўр-кўрона татбиқ этишининг ёрқин мисолидир.


Ўтмишдаги ҳукмирон мафкура-нинг «миллатлар фақат жамият тараққуётининг капиталистик муносабатлар ёйилиши палласида шаклландилар» деган қоидаи жаҳон миллий-озодлик ҳаракатини Европа марказийлик тамойилига, бу тамойил орқали эса ҳукмирон мафкурага бўйсундиришга қаратилган эди. Холбуки, тарихни ўрганиш кўрсатадики, миллатлар қайси минтақада узоқ давр тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик таъмин этилиб, тил, адабиёт, санъат, иқтисод, узаро мулоқот ва ягона бозор шаклланиши учун шарт-шароит мавжуд бўлган бўлса, ўша ерда миллат шаклланган. Шу асосда айта оламизки, инсоният тарихида энг қадимий, ўрта аср миллатла-

асрнинг ўрталаридан юртимиз яна тушқунликни бошдан кечири бошлади ва миллий ришталар бўшашди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан миллий ришталар яна кучая борди. XX асрда миллатимизнинг ҳозирги замон тўлақонли ривожланган бирлиги сифатида намён бўлишига истибод тўзуми салбий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, кўриб турибмиз-ки, миллатимиз жамиятдаги вазият ва шарт-шароит ўзгариши билан, баъзида раванқ топган, гуллаб яшанган, баъзида эса инкирозга юз тутиб, ўз уршққлигидан маҳрум бўлган. Шу боисдан, мустақил Ўзбекистон Республикаси давлат герби қанот ёзиб турган Хумо кўши асосида тузилганлиги тасодифий эмас. Маълумки, Хумо кўши ҳар гал кўйиб ёнгандан сўнг янгидан тирилган, кўтарилган ва эл-юртаг озоқлик, фаровонлик, эркинлик келтирган.

Халқимизда нон ҳаминга азиз саналган. Сиз ушбу суратда Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон нон» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган турли хил нон маҳсулотларини кўриб турибсиз. Бу ерда бир кунда 26 тоннадан зиёд 45 турдаги нон маҳсулотлари пилирилиб, истеъмолчиларга тарқатиламоқда. Илчи ходимлардан Клара Суатоева, Озода Садуллаевалар харидорлар хурматиши қозониши учун тиним билмай меҳнат қилишаёлти.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



ЗИЁГА МАСКАН ЮРТ

Бугунги китобга бўлган эҳтиёжимиз кутубхоначилик тизимида тубдан ислоҳот қилишни талаб этади. Ҳамма соҳада бўлгани каби кутубхоначиликда ҳам жаҳоний андозаларга мос иш юритиш даври келди. Бу борада қандай муаммолар бор ва қандай амалий ишлар режалаштириляпти? Республикаимизда 15 мингдан ортиқ кутубхона мавжуд бўлса, уларда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг атиги 20 фоизи маҳсус мутахассис, холос. Шу ўринда бир мулоҳаза. Маълумки, республикаимизда кутубхоначи мутахассис тайёрлайдиган институт бор. Уқув даргоҳи эса йилига 50 нафар битирувчи чиқаряпти. Ҳўш, улар қаерда ишлаяпти? Бу каби фактнинг ўзиёқ ҳали бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар талайгина эканлигидан

далолатдир. Кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ана шу масалаларга бағишланган «Республикада кутубхоначилик соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг стратегияси ва тактикаси масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика кутубхоначилар фаолияти бўйича илмий-методик кенгаш, Ўзбекистон кутубхоналар Ассоциацияси, халқаро Сорос фонди, Германия маданият маркази — «Гёте-институт», Тошкент давлат маданият институти ташкилотчилигида ўтказилган ушбу анжуманда соҳанинг бугуни ва эртаси тўғрисида кўплаб фойдали фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Энг муҳими юртимизда бу борадаги бой маданий меросимизни бугунги кун талабига уйғунлаштириш, халқаро миқёсга чиқиш

учун катта ишларга бел боғланган. Илмий анжуманда «Гёте-институт» профессори Франк Бауман сўзга чиқиб: — Бу юрт зиёга маскан юрт. Чунки, кутубхоначилик тизими қадим-қадимдан юртингизда шаклланган, бой маданий меросга эга. Бу соҳага ахборот технологияларини олиб кириш билан эса жаҳоний андозаларга мослаштириш керак, холос. Жуда кўп кузатдим, одамлар китобни, илмни қадрайди, ёшлар эса дунёвий илмга интилан, кўпи иктидорли. Юрт келажаги учун эса бу асос бўлади. Шу мақсадда ўзаро китоблар, кадрлар айирбошлашни ҳам режалаштириямиз, — деди. Дарҳақиқат, кутубхоначи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳаларини янги, замонавий талабларга мос равишда ислоҳ қилиш, зарур дастурий тавсиялар ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмасди. ■ **Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Навбахор туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги марказида бош кийимлар тиқиш цехи иш бошлади. Уни Жумаевлар оиласи бошқаради. Шуниси диққатга

БОШ КИЙИМ КЕРАКМИ?

сазоворки, цехда асосан замонавий кийим-бош — қундуз, сув каламушчи, қорақузан ва қорақўл терилардан телпақлар тиқилади. Шунингдек, хотин-қизлар учун ҳам бош кийим ва пальто ёқалари тайёрланади. ■ **Музоффар ШАРОПОВ**

Раббим ота қариган чоғида фарзандларининг қамолини кўриш ўрнига темир панжара ортида пушаймон бўлиб, ерга қараб турибди... Ҳа, ота билди туриб жиноятга қўл урди. Лекин бунга сабабини бўлган ўғилларини сира ҳам айблаётгани йўқ. Чунки, ҳамма айб унинг ўзида!

Икки ака-ука анча вақтгача беқор юришди. Лекин бир кун Икром уйига даромадди иш топганлигини ва бу иш орқали барча орзуларини рўёбга чиқаришлари мумкинлигини акасига айтиб қолди. Даромадди, аммо ўта хавфли бўлган бу ишга улар тезликда киришишди...

Нуриевлар оиласига файзу барака кира бошлади. Ака-укаларнинг киссаларида катта-катта пуллар уйнайдиган бўлиб қолди. Раббим ота ўғилларининг топармон-тутармон бўлганидан жуда хурсанд бўлиб юрди. Ахир егани олдида, емагани кетида бўлса, бунинг нимаси ёмон. Ўзи неча йиллар давомида кетмон чопди. Лекин бири икки бўлмади, рўзгор деб аталмиш пардани у тарафга тортса, бу тарафи очилиб қоларди. Ўғилларим ўзларининг ишбилармонлиги тўғрисида пул топишмоқда, деб ўйларди ота.

Ўғилларининг сирли «бизнесини» бир кунги уйдан топиб олган нашадан биллиб қолди. Гиёҳандлик воситаларини сақлаш, сотиш учун қонунда оғир жазолар белгиланган бўлса-да, ота ўғилларини бу йўлдан қайтарिशга ўзида журъат топа олмади. Балки ўғилларига тўғри

КОРА КИЛМИШ ОТАНИ ГАРОВГА ҚЎЙГАН ЎГИЛЛАР

йўл кўрсатиш ўрнига ота «бизнес» бошида турадиган бўлиди. Меҳнатсиз топилган пуллар бир кун келиб тешиб чиқишини Раббим ота эсита ҳам келтирмади. Чунки, унинг кўзларини бойликка бўлган ҳирс ёпиб қўйганди. Бир кунги ака-укалар учун янги «харидор» топилиб қолди. Ўзини Фоғур деб таништираган йигит Нуриевлардан катта миқдорда гиёҳандлик воситаларини сотиб олмоқчи эканлиги ҳақида сўз очди. Ота-болалар бу саварғи келган тасодифий омадан бошларни осмонга етди.

Фоғур кетгач, ичига олов тушган ака-укалар тезлик билан «тадбиркор» дўстлари Аслам Ниязов, Рашид Кенжаев ва Худойберди Фозиевларни маслаҳатта қорашди. «Дўстлар!» илгари турли жиноятлар солид этанликларини учун судланишган, тайинли бир иши йўқ, пул учун ота-

ди-да, пул ўрнига Раббим отани гаровга қўйишди. Х. Фозиев, А. Ниязов, Р. Кенжаевлар яна яширинча қишлоққа қайтишиб, олинган гиёҳандлик воситаларини ака-укаларга сотиш учун берди. Баҳодир билан «харидор» — Фоғурни кутишди. Мана, Фоғур ҳам кўринди. Баҳодир «Ҳайрият-э» деганича унга пeshвоз чиқди. Аммо, бир килограммга яқин геронин гиёҳандлик моддасини 5400000 сўмга олди-сотди қилиш пайтида тезкор тадбир ўтказаятган Самарқанд вилояти ИИБ ЖҚБ ходимлари ака-укаларни далилий ашёлар билан қўлга олишди.

Ҳўш, энди гаровда қолган Раббим отанинг тақдирини нима бўлди, деб ўйларсиз? Гиёҳанд «дори» учун берилиши лозим бўлган пул келмаганидан кейин отани улар бир неча кун азовлашди ва оқват бермасдан қийнашди. Бунинг устига, Нуриевларнинг уйига турли хилдаги пўписалар билан хатлар ёзишди. Лекин, Раббим ота ҳам анойилардан эмаслигини яна бир мартаба баъбатди. Тутқинликда асрашаётган кишиларнинг мастлигидан фойдаланиб, қўл-оёғини ечди-да, қочиб қолди.

Янги одамлар ёрдамида Раббим ота Панжакент тумани милиция бўлимига етиб

келгандан сўнг, уни яшаш жойига қайтаришга эришилди. Машина бир маромда қўшдек учмоқда. Раббим ота ит кўрган азовларни эслаб, эркак киши бўлса-да йиғламоқда. Бу йиғида севинч ёшларни борлигини ёнида унга диққат билан қараб келаятган ЖҚБ гиёҳандликка қарши кураш бўлими тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Фоғур Мавлонов сезиб турарди.

— Ота, — деди мулоимлик билан узоқ сукунатдан кейин Фоғур. — Ўғилларингиздан геронин сотиб олмоқчи бўлган харидор мен эдим...

Раббим ота жимиб қолди. Бир оз ўтгач, ота Фоғурнинг кўлидан маҳкам қисиб қўйди. У ўғиллари ва ўзи қилиб қўйган хатони тула англаганиди. Бу эса жуда-жуда кеч эди. ■ **Абдушоҳид ПАЙШАНОВ, Самарқанд вилояти ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция майори, Меҳри АБДУРАХИМОВА, милиция лейтенанти, Лутфулла МАЛАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

НАФОСАТ БАЙРАМИ

Мамлакатимиз пойтахтида фольклор модалар халқаро фестивали — «Хамса — 2000» бўлиб ўтди. Ўзбекистон тадбиркор аёллар ассоциациясининг «Зумрад» маданият маркази томонидан ташкил этилган нафосат байрамида жаҳоннинг 8 мамлакатидан моделёрлар қатнашдилар. Улар тақдим этган либослар коллекциялари нафислиги ва юксак маҳорат билан тайёрланганлиги боис, танловнинг бешта номинацияси бўйича голибларни аниқлаш ҳайрат аъзолари учун мушкул вазифа бўлди. Зеро, намойиш этилган либосларда китъалар ва халқларнинг турли анъаналари мужассамлашган эди. Айниқса, Шарқ мавзун кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу бежиз эмас, чунки жаҳоннинг энг таниқли моделёрлари ана шу мавзуга кўп эътибор бермоқдалар.



Фольклор модалар халқаро фестивали мамлакатимизда илк бор ўтказилиб, голибларга мукофотлар топширилди. Ўзбек моделёри, ҳайрат аъзоси Владислав Репин таъкидлаганидек, этнографик моданинг чеки йўқ. Ахир, унинг илдиизи узоқ ўтмишларга бориб тақалади. Шундай экан, унинг келажаги ҳам чекисиздир. ■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЎЗБЕК ИЖОДКОРЛАРИ ЯПОНИЯДА

Дунё мамлакатларида ўтказилмаган турли хил фестивалларнинг сони бўйича Япония етакчи ўринлардан бирини эгаллашга ажаб эмас.

Япониянинг Аважи оролида яқунда Халқаро гуллар фестивалини олтинчи мобайнида 7 миллиондан ортиқ киши зиёрат қилди.

Дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан келтирилган экспонатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг кўргазмаси ҳамда хоразмлик фольклор дастаси артистларининг оташин рақслари алоҳида эътиборга молик бўлди.

Шу билан бирга, моҳир ва машҳур ражжакчи, ҳамюртимиз Абдуҳошим Исмоиловнинг Халқаро фольклор мусикаси фестивалидаги ёрқин чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Токиода бўлиб ўтган ва 40 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган «Дунё болаларининг ўйинлари» фестивалига таширф буворанлар эса ўзбек болаларининг ўйинлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.


Бухоро, Фарғона вилояти ҳамда Хоразм усталирининг ранго-ранг ўзбек миллий тўнлари Осака университетидо бўлиб ўтган «Жаҳон коллекцияси» фестивали иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Урта мактабнинг дизайн фани ўқитувчиси Мамаки Ота хонимнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири

билан суҳбатда айтган сўзлари бунинг исботи бўлиши мумкин:

«Ўзбек тўнларининг дизайни япон киномоларини эслатади. Айни пайтда улар ўзига хослиги ва колорити билан ажралиб туради. Менда ҳам шундай Бухоро тўни бўлишини жуда истардим».

■ Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Токио



ЭКО КАНДАЙ ТАШКИЛОТ?

ЭКО — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Халқаро институтлар орасида ўз нуфузига эга. Бу ташкилот дастлаб Минтақавий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти сифатида 1977 йил Эрон, Покистон ва Туркия билан ҳамкорликда тўзилган. Ҳозирги мақоми эса 1985 йилда олди. 1992 йилнинг ноябрида бу ташкилот худудий жиҳатдан ўз сафини кенгайтирди — Ўзбекистон, Озарбойжон, Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари аъзо бўлиб кирди ва 28 ноябрь Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти кўри деб эълон қилинди. Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлиши 1992 йил 16-17 февраль ЭКО давлатларининг Техрон саммитига тўғри келди. 28 ноябрда Исламободда бўлиб ўтган ЭКО мамлакатлари ташкилишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу расман эълон қилинди.

Ушбу ташкилотнинг вазифаси савдо-иқтисодий, минтақавий инсонларварлик, транспорт, телекоммуникация, экология, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликка асосланган. ЭКО сафининг кенгайтиши билан бирга унинг ҳамкорлик қирралари ҳам ортди — минтақа хавфсизлиги, нарқобизнесга қарши кураш, транспорт коммуникацияси, энергетика, молиявий, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

ЭКО Низомига кўра, унинг саммити ҳар икки йилда ўтказилади. Бундан ташқари, аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувлари ҳам бўлиб туради. ЭКОга раислик қилиш ваколати саммит қайси давлатда ўтказилаётган бўлса уша давлат раҳбарига таъинланади ва у кейинги учрашувгача ушбу вазифани бажаради. Ташкилот маъмурий тузилишида раисдан ташқари ЭКО Бош қотиби, қотибияти, ижроия қўмитаси фаолият юритади. Қотибият саммит кун тартибига ечилиши керак бўлган масалаларни кўяди.

ЎЗБЕКISTON НЕГА ЭКОга АЪЗО БЎЛДИ?

Қадимда ЭКОга аъзо мамлакатларни Буюк ипак йўли бирлаштирган. Хўш, нега давлатимиз ушбу ташкилотга аъзо бўлди, унинг бошқа халқаро институтлардан қандай афзаллиги бор? Биринчидан, ЭКОга аъзо мамлакатлар ақсарияти чегарадош давлатлардир. Минтақа хавфсизлигини таъминлаш ўз-ўзидан кўшни давлатларга ҳам боғлиқ. Иккинчидан, аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳияти жиҳатидан бир-биридан унчалик катта фарқ қилмайди. ЭКОга аъзо мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли ички маҳсулот ва миллий валюталарнинг инфляция даражасини солиштириб кўрамиз:

Давлат	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ	Инфляция даражаси (%) 1990-1996
Эрон	1033	32
Покистон	480	11
Туркия	2830	78
Қозғистон	1350	605
Қирғизистон	550	256
Тожикистон	340	394
Озарбойжон	480	590
Афғонистон	250	—
Ўзбекистон	1010	—

Рақамлардан кўришиб турибдики, аъзо мамлакатларнинг ақсарияти энди ривожланиш босқичига кириб бормоқда. Бу эса кўпгина иқтисодий масалаларга келиб тақаладиган муаммоларни бартараф этишда ҳамда ЭКО лойиҳаларини молиялаштиришда тенгликни таъминлайди. Энг асосийси эса аъзо мамлакатлар орқали денгиз портларига ва бу йўл эса Европа қитъасига қикшиш имконини беради. Ундан ташқари телекоммуникация, боғжона, энергетика масалаларидаги ҳамкорлик ҳам кенг имкониятлар зийтини очади.

Янги асрга ҳам санокли кунлар қолди. Тарихга айланаётган асримизнинг сўнгги ўн йиллиги мамлакатимиз ҳаётида кўпгина жаҳоншумул саҳифаларни очди. Шундай зарвараклардан бири республикамизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганлигидир. Бунга ҳам бугун 8 йил тўлди.

ЖАҲОНДА ЯНА ШУНДАЙ ТАШКИЛОТЛАР БОРМИ?

Шундай муаммолар борки, уларни бир давлат ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда еча олмайдими ёки маълум бир худуддаги давлатларнинг ривожланиши шу худудда биргаликда яратиши керак бўлган салоҳиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Албатта, савдо, иқтисодий, транспорт, коммуникация, боғжона тизимлари муаммолари бир қанча давлатларни биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўз манфаатлари йўлида маълум бир минтақа иқтисодий муаммоларини ечиш учун ташкил қилинган институтлар бир талай. Бундай ташкилотларнинг ақсариятида икита умумийлики кўриш мумкин. Биринчиси,

ЭКО ЮТУКЛАРИ

ЭКО доирасида бажарилган ишларга назар соладиган бўлсак, баъзи бир соҳалар бўйича улкан ишлар қилинганлигини кўрамиз. Утган вақт мобайнида аъзо мамлакатлар ҳаракатларининг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ичида 1996 йил май ойида фойдаланишга топширилган Сарахс — Тежан — Машҳад темир йўли диққатга сазовордир. Ушбу йўлнинг ишга туширилиши Ўрта Осиё республикаларининг Форс кўрғазидоги денгиз портларига қикшиши учун катта имкониятлар яратди. Натижада аъзо мамлакатлар товар алмасуви ошди. Жумладан, мамлакатимизда ҳам товар айирбошлаш етти баравар кўпайди. Яна ижобий ишлардан бири аъзо мамлакатлар телекоммуникацияси тизим-



ларнинг Транс — Осиё — Европа оптик-тола кабел тизимига қўшилишидир. 1997 йил ноябрда куриб битказилган ушбу оптик-тола кабел алоқа йўли мамлакатимиз худуди орқали ҳам ўтган. Ушбу алоқа тизими Шарк ва Фарб ўртасидоги минг-ла каналлар бўйича сифатли алоқани таъминлайди.

ЭКО наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва савдо-сотиғига чек қўйиш учун бирталай дастурларни амалга ошироқда. Ташкилот таркибидо наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди ва фаолият юритмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ

Мамлакатимиз ЭКОга аъзо бўлган пайтдан бошлаб ўтган олий даражадаги учрашувларда давлатимиз раҳбари нафақат минтақавий, балки дунё миқёсига молик амалий тақлифлар билан қатнашиб келмоқда. Ташкилот фаолияти мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир аъзо давлат иқтисодий ривожидан қатъи назар тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигини, уларнинг маълум бирига маҳсулот сотадиغان бозор тартибидо қарашга йўл қўйиб бўлмаслигини кўп бора таъкидлайдилар.

Президентимиз ҳар сафар минтақаддоги мамлакатлар раҳбарларининг эътиборини «оповли нукта» — Афғонистонга қаратиб келмоқда. Чунки бу ерда мустаҳкам тинчлик ўрнатилмас экан, олиб борилаётган иқтисодий ҳамкорликнинг самара бериши қийин. Бу ерда бекарор вазият бўлиб туради экан, барло этилган йўллар, коммуникация алоқаларидан фақат иқтисодий ўсиш суъратлари учунгина фойда-

ларнинг Транс — Осиё — Европа оптик-тола кабел тизимига қўшилишидир. 1997 йил ноябрда куриб битказилган ушбу оптик-тола кабел алоқа йўли мамлакатимиз худуди орқали ҳам ўтган. Ушбу алоқа тизими Шарк ва Фарб ўртасидоги минг-ла каналлар бўйича сифатли алоқани таъминлайди.

ЭКО наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва савдо-сотиғига чек қўйиш учун бирталай дастурларни амалга ошироқда. Ташкилот таркибидо наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди ва фаолият юритмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ

Мамлакатимиз ЭКОга аъзо бўлган пайтдан бошлаб ўтган олий даражадаги учрашувларда давлатимиз раҳбари нафақат минтақавий, балки дунё миқёсига молик амалий тақлифлар билан қатнашиб келмоқда. Ташкилот фаолияти мақсади ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир аъзо давлат иқтисодий ривожидан қатъи назар тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигини, уларнинг маълум бирига маҳсулот сотадиغان бозор тартибидо қарашга йўл қўйиб бўлмаслигини кўп бора таъкидлайдилар.

Президентимиз ҳар сафар минтақаддоги мамлакатлар раҳбарларининг эътиборини «оповли нукта» — Афғонистонга қаратиб келмоқда. Чунки бу ерда мустаҳкам тинчлик ўрнатилмас экан, олиб борилаётган иқтисодий ҳамкорликнинг самара бериши қийин. Бу ерда бекарор вазият бўлиб туради экан, барло этилган йўллар, коммуникация алоқаларидан фақат иқтисодий ўсиш суъратлари учунгина фойда-

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАДА

Сингапурда Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари раҳбарларининг саммити ўтказилмоқда. Унда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама этиляпти. Кун тартибидан ОИТСга қарши курашдан тортди Интернет орқали савдо-сотиқни ривожлантиришгача бўлган масалалар жой олган. Умуман, қатнашчилар анжуман самара беришига ишонч билдираётди. Лекин кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирча миллий муаммолар минтақавий ҳамкорлик масалаларидан кўра долзарброқ саналади. Раҳбарларнинг кўпроқ ички муаммоларга эътибор қаратиши эса умумминтақавий миқёсда сезиларли силжишларга олиб келиши қийин.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Камбожа пойтахти Пномпенда хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Қуни кеча қурулган одамлар мудофаа вазирлиги ва айрим бошқа давлат муассасаларини қўриқлаётган ҳарбийлар ва полициячиларга ҳужум қилган, натижада бир неча киши ҳалок бўлган эди. Ҳозирча босқинчиларнинг 20 нафари қўлга олинган. Қолганлари қидирилмоқда.

Тахминларга кўра, босқинчилар «Камбожа озодлиги курашчилари» гуруҳига мансуб одамлардир. Бу гуруҳ ҳукуматни оғирликда, хусусан, Вьетнам таъсирига тушиб қолганликда айблаб келади.



ГОНКОНГДА 13 МАМЛАКАТДАН КЕЛТИРИЛГАН СОАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

СУД БОШЛАНДИ

Хитойда АҚШ фуқароси Тун Чун Ян устидан суд бошланди. Хабарларга қараганда, Хитой миллиятига мансуб бу аёл фаолияти таққиланган Фалунгун оқимига мансубдир. Унга чет эллик шахсларга махфий ҳужжатларни берганлик айби ҳам қўйилмоқда.

Илгари Хитой суди чет элликларни шунчаки мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида ҳукм чиқаради. Лекин энди фалунгунчиларга нисбатан қаттиқроқ туриляпти. Сабаби аён: ҳукумат хорижда Фалунгун оқимининг бўрида ошиб кетишидан ташвишга тушмоқда.

КОМИССИЯ СЎРОҚ ҚИЛМОҚДА

Бразилия миллий терма жамоаси футболчилари мамлакат конгрессининг спорт соҳасидаги коррупцияга қарши кураш комиссияси томонидан сўроққа тутилмоқда. Маълумки, 1998 йилги жаҳон биринчилигида бразилияликлар Франция терма жамоасига 3:0 ҳисобида енгилган эди. Бунга «Найк» фирмаси билан имзоланган шартнома сабаб бўлган, деган тахмин бор. Ун йиллик бу ҳужжатга кўра, майдонга «Найк» билан реклама шартномаси имзоланган ўйинчиларнинг маълум қисми қикшиш шарт. Ана шу шарт туфайли Франциядаги финалда чарчаган, жисмоний ҳолати қониқарли бўлмаган айрим ўйинчилар ҳам тўп сурган ва бу мағлубиятга олиб келган.

■ (ЎзА)



Владимир ПАНОВ олган сурат

БУШДА ИМКОНИЯТ БОР

АҚШда президент сайлови натижасига боғлиқ тангликка барҳам берилгани йўқ. Икки номзод энди мамлакат олий судига мурожаат қилмоқчи. Хусусан, Ж.Буш Флорида штатидаги бюллетенларни қўлда санаш тадбири бекор қилинишини сўраш ниятида. А.Гор эса олий судни бу ишга умуман аралашмасликка дэъват этади. Унинг фикрича, Флоридадаги сайлов натижасини қандай аниқлаш ҳақида штат олий суди алпақачон ҳукм чиқариб бўлган. Кузатувчиларнинг фикрича, нима бўлганда ҳам Ж.Бушда устунлики сақлаб қолиш имконияти катта, А.Гор эса охирикўбат ўз қилқиларидан уялиб қолиши мумкин. Зеро, қайта санокларнинг барчаси унинг ташаббуси билан ўтказилляпти.

СОБИҚ БОШ КОТИБ ВАТАНИГА КЕЛДИ

БМТнинг собиқ бош қотиби Перес де Куэлар ватанига — Перуга қайтиб келди. У ўн йил аввалги президент сайловда мағлубиятга учрагандан буён Францияда яшаётган эди. Энди эса Перуда бош вазир вазифасини бажаришга киришади.

Перес де Куэларнинг айтишича, президент Алберто Фухиморнинг истеъфога чиқарилиши мамлакатда ҳақиқий демократия қарор топишига йўл очган. У Перуга келиши биланоқ муваққат президент Валентин Пинагуа билан учрашиб, ҳукуматнинг янги таркибининг тузиш ва келаси йилнинг апрель ойига мўлжалланган президент сайловига тайёрланган масалалари бўйича суҳбатлашди.

Европа саросимасида. Қорамол гушти орқали юққан бедаво эпидемия — Кройцфельд-Якобанинг фожиали оқибатлари яқин келажакда янада муҳиялашадиган. Матбуот хабарларига кўра, яқин бош йил ичида қурулган сони 100 мингдан ярим миллион кишига етиши мумкин. Касалликнинг мураккаб томони шундаки, у организмда узок вақтгача яширин тарзда бўлади. Қозага чиққан асосий белгилари эса — асаб толаларининг шикастланиши ва фалажлик давомидоги ўлим. Шифокорлар ҳозирча чорасиз.

Оксфорддаги «Уэлкам траст» маркази мутахассислари мамлакатда яқин келажакдаги қурбонлар сонини 136 минг киши атрофида кўрсатишади. Европа Иттифоқи мутахассисларининг аниқлашича, бу хавфли касаллик оқибатида 500 минг киши ҳалок бўлиши мумкин. Британиянинг маъзур юкумили вирусни (энцефалопатия) ўрганиши бўйича ҳукумат қўмитасининг раҳбари, профессор Питер Смит журналистларга берган интервьюсида бедаво дарад «ун минглаб кишилар» ҳаётига зомин бўлишини айтиб ўтади. Бу ташхисни мамлакат аҳолисига қийслайдиган бўлсак, мамлакатнинг ҳар юзичини фудқаросининг ҳаёти хавф оқибатлигини кўрамиз. Мутахассислар инсон ҳаётига зомин бўладиган вирус келтириб

ЭПИДЕМИЯ ХАВФИ

чқарувчи қорамоллар касаллигининг илк тарихини XVIII аср охириларига тақашади. Уша даврларда инглиз фермерлари қорамолда «кутуриш» асоратини кузатишган. Бу касалликка йўлиққан ҳайвонда заифлик, чанқаш, кўп миқдорда сўлак ажралиши ва натижада фалажлик аломатлари зоҳир бўлган. Бироқ бу аломатларнинг бир кун келиб инсон ҳаётига хавф солиши, албатта, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Хатто асримизнинг 70-йилларида энцефалопатия

аломатлари билан қайд қилинган қорамолларнинг руйхатта олиниши ҳам фожиадан дарек бермаётганди. 1990 йилнинг майига қадар сигирлардаги «кутуриш» одамлардаги энцефалопатиянинг манбаи эканлиги тасдиқланмаганди. Бу нарсанинг амалда мумкинлигини қорамол гушти еб вирусга чалинган мушук тажрибаси кўрсатди. Айнан шу тажриба боис энцефалопатияни ўрганиш маркази томонидан бу вируснинг одамларга юқиши имкониятлари ҳақида хулосага келинди. Британияда 1987 йилдан бошлаб қорамолларнинг касаллигини қайд қилинган: шу йили 90 бош, бир йил ўтиб 264, 1989 йилда 3 минг бош қорамол, 1996 йилга келиб эса бу кўрсаткич 160 мингга ташкил этган. Европа Иттифоқи томонидан Британия қорамол гушти харидининг таққиланиши, шунингдек, инглизлар орасида ўлим кўрсаткичининг кўтарилиши оқибатида ҳукумат томонидан қорамолларга қарши кураш бошланди ва 3,3

миллион бош қорамол ёндириб юборилди. 1990 йил ўрталарида Кройцфельд-Якоба касаллиги одамларда илк марта қайд қилинганда қурулган 77 кишини ташкил этганди. 2000 йилнинг ўзида эса бу вирусдан 22 киши вафот этди. Вируснинг бутун Фарбий Европада тарқалиши хавфи вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Англия соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари эълон қилган маълумотга кўра, ҳозир бу касаллик Бельгия,

Франция, Португалия, Ирландия, Швейцария мамлакатларида ҳам қайд қилинган. Буюк Британияда 2000 йилнинг ўзида 962 нафар киши маъзур вирус билан касалланган. Шунингдек, кузатувчилар бу жараён ҳозирда Франция ва Бельгияда ҳам авжга чиқаётганини кўрсатапти. Бу фожианинг муҳияти тус олишида Британия ҳукуматининг ҳам «ҳиссаси» борлиги қайд этиляпти. Ҳукумат эпидемиянинг қамрови билан жамоатчиликни вақтида таништириши ҳоҳламаган ва бу борада мутахассисларнинг огоҳлантиришларига етарли аҳамият бермаган. Бу танқид-

■ Абдумалик БОБОВ

МУБОРАК РАМАЗОН

РЎЗАЛАРИНГ МЕНИНГ-ЧУН...

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам меърожга кўтарилганларида Оллоҳ таоло ўзининг охир замон пайгамбари ва ҳабибига беш асосий фарзни вазифа қилган. Рамазонда бир ой рўза тутуш эса шулардан биридир. Ҳадис: «Оллоҳ таоло: «бандаларим, одамлар кўзи тушгучлик барча қиладиган ишлари — намоз ўқимоқ, хайр-эҳсон қилмоқ, закот бермоқ ўзлари учун, тутадиган рўзалари мен учун деганлар». Яна рўза ойининг хосияти шундаки, «Куръони каримни «Қадр кечасида нозил қилдик», дейилади. Рўза аслда вужуд замоти — поклангичдир. Рўза инсонни сабр-қаноатга, кўним топишга, шукрона айтишга чоғлайди. Кам е, кам де, кам ухла, деган сўзларнинг пурқимматли хосияти муборак кунларда янада обдинлашади. Тегиримонни сув бузар деганларидек кўп ва бўкиб емоқлик ризқ-рўзини совириш билан баробар, яъни таъаббатчилар таъбирича, манга юқмайди. Биламизки, азим дарё сокин оқар. Билмадон донолар эса ҳаммаша камтарона сукут сақлар. Уларнинг сўзлари ҳар вақт теран, таъсирчан, олимона. Кам ухлаш, субҳидамини қарши-лаш тетиклик, дил равшанлигига ризқнинг бутунлигидир.

Муборак ойда одамлар феъли, чеҳрасида ижобий ўзгаришлар бўлиши шундан. Босиш, ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланадилар, меҳр-оқибат кўрсатадилар. Қадр топдилар. Гуноҳи азимлардан холисланиш эса жамиятни поклаб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўл очгусилар.

РЎЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайтун ан асума савма шаҳри рамазана минал фаҳри ила мағриби, холисан лиллаҳи Таала. Аллоху акбар.

Table with 5 columns: Рамазон, ноябрь декабрь, ҳафта кунлари, саҳарлик туғаш, ифтор вақти. Rows 1-30.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту, фағфирли Ё, Фағфору ма қаддамту ва ма аххарту.

Таникли олима, педагогика фанлари доктори, профессор Раҳима Мавлонованинг ҳаёт йўли осон бўлмаган. Биргина институтга кирган кунини кўзларида ёш қалқиб эслайди опа. 1959 йилда кўлида бир ёшли ўғли билан ҳозирги Низомий номидаги педагогика университетига сирдан ўқишга ҳужжат топширгани келади. Келса имтиҳонлар ўтиб, мандат қутилётган экан.

Опа йилганаича чиқиб кетаётганида, бир киши: «Ҳа, қизим, нима бўлди, нега гўдагинг қўлингга бу даргоҳдан йиғлаб чиқаясан?» — деб тўхтади. — Мен сирдан ўқийман деган эдим, кечикибман, имтиҳонлар тугабди, — дейди Раҳима опа хикиллаганича.

Шунда у киши: «Қани юр-чи, қизим, ҳозир ҳаммасини сўраб, биламиз, фақат йиғламагин, — дейди ва хонасига бошлаб боради, сўнг яна бир кишини (масъул котиб экан) чақирди: «Мана, бу қизимиз имтиҳонларга кечикиб қолибди, сиз ҳужжатларини қабул қилиб, барча имтиҳонларни топширишига ёрдам беринг ва мандатга тайёрланг», — деб айтди. Мен имтиҳонларни топшириб, институтнинг сиртки бўлимига қабул қилиндим.

Бу олижаноб инсон шу институт ректори Шопўлат Абдуллаев эканлигини кейин билдим ва ҳаётимда бурилиш ясаган, эзгу ишлари билан ҳаётда ўрнини

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ОПА



ўзлари бошқараётган Педагогика илмий-тадқиқот институтига ишга тақлиф этади. Опа болалардан кўнгли узоқмай, институтда ярим ставкада ишлаб юрди. Лекин бошлар иши унинг тақдирини таъминлаётган бўлиб қолди. Институтда бошланғич синфларда меҳнат тарбиясидан илмий-тадқиқот олиб борди.

Раҳима опа бутун фаолиятини бошланғич таълимга бағишлади. Аввал номзодлик, кейин докторлик диссертацияси ҳам бошланғич таълим ҳақида.

У ҳамкасблари Н. Бикбаева, Д. Шарипова, В. Токарева, К. Абдуллаевлар билан бирга бошланғич таълим муаммоларига доир таҳрирлар ўтказди ва биринчилардан бўлиб, меҳнат таълими дар-

лари орқали ўқувчиларни 1-2 синфлардаёқ иходкорликка, ихтирочиликка йўллади.

Унинг илмий-тадқиқот ишларининг илмий-амалий аҳамиятига академик А. Измайлов, Ш. Аманшвили, М. Махмутов ва бошқалар катта баҳо бердилар.

Раҳима Мавлонова томонидан яратилган юзга яқин илмий ишлар, Ўзбекистонда бошланғич таълимнинг, хусусан, меҳнат таълимига оид яратган монография, дарслик, дастур, ўқув-методик қўлланмалари, шу соҳа олимлари томонидан тан олинган.

Айниқса, 1, 3-синфлар учун яратган меҳнат таълимига доир дарслиги муқофотларга сазовор бўлди.

У 1976 йилдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига декан, кафедра мудири вазифаларида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга ўқувчи малакали педагог кадрлар тайёрлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, аспирант ва докторантларга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Ҳа, Раҳима опа бугун солиҳ ва солиҳа фарзандлар ардоғида, унинг илмий фаолияти айни кунга тўлган пайт.

■ Санобар НИШОНОВА, педагогика фанлари доктори, Манзура СОЛИҲОВА

КАЛЕ МАНЗАРАСИ

Атиргул



пойица дарёдай оқаман

ЁЛГИЗ ЯПРОҚ

Кеч куз. Шундоқ қаршимда эна тут. Қари кампир юзидаги ажинлар гўё унинг танасига кўнган. Эна тут, ў, шохларида менинг болагим ўсган. Меваларин қўшдай чўқилаб-чўқилаб еган болагим.

Кеч куз. Эна тут новдасида ёлғиз сап-сарик япроқ. У беҳол титрайди. Шамоллар чанг солар. О, эна тут ҳеч бағридан қўйгиси келмас ёлғиз япрогин.

Кеч куз. Эна тут мунглиг онадай яланғоч панжаларин осмон фалакка чўзиб тикилар. Ёлғиз япроқ тўлганар бети...

ТУРНАЛАР

Дўрмон боғларида заъфарон куз. Осмонда турналар ноласи. Балки, улар ҳам мен каби юракларин ташлаб кетаётдилар. Ахир мен Қува анорзорларига қолдириб келганман юракни. Ахир менинг юрагим анор дарахлари шохларига ёрилган анордек илиниб-илиниб қолди.

БОЛАЛИК

У ташқарига эшикдан эмас, деразадан чиқар отилиб. Ичкарига отилиб деразадан кирар. У ўрик шохларида қўшдан кўра эркинроқ қилар ҳаракат. Қишининг қора соғуғида яланғоч, яланғоқ музлаган қорларни синдириб борар. Тўлқин-тўлқин сувлар юзида баллиқлар ила сузишни этар рақобат. Жарликларга шерваччадай ўзин итқитар ёвқур. Қизғалдоқлар очилган томлардан сақар қоплондай. У жуда энгли, ҳаволардан-да энгли. У боласи ахир она-табиатнинг.

ОНА ЁНҒОҚ

Болагим ўсган ҳовлида бир туп ёнғоқ. Унинг тагида кўна сўри. Унда отам, онам, мен, укаларим яна не-не қондошларимнинг кундузлари оқшомларга, оқшомлари сокин тонларга уланган...

Хар гал мен олис йўл юриб, ўшал ҳовлига кирсам, ёнғоқ қулоч очиб, бағрин тутиб, онам қиёфасида олади қутиб. Мен ёнғоқ тагида онам қучоғидай ҳис этаман ўзимни. Чарқоқларим тумани ёзилиб, руҳим офтобли осмондай кетар ёришиб. Она ёнғоқ еллар этагида мени эркалайди, аллайди, мен ором қучоғига кетаман сингиб.

ШОВВА

Болагим ўсган уй этагидан катта ариқ оқар. Ариқ лабида бўйчан тераклар, қари толлар. Димоққа урилар ялғиз бўйлар. Сув юзида ўйнар капалаклар, сўзанаклар. Шундоқ, пахтазорга туташган жойда шовва шовуллар. Унда менинг яланғоч болагим қанча-қанча қулчаларин қилар «оқиоқ». О, болагим оғзида эриган лаззатли қулчалар, ширин қулчалар...

Воҳ, қайси кун шоввадан қулчамни оқишиб кетди ариқ. Ортидан болагим чопди кува-қувалаб. Ох, ўша-ўша шоввадан оқиб кетди болагим. ... Букун катта шаҳар четиде болакай қичқира сочлари оппоқ. «Ҳей шовва, шовважон, қайдасан, шовва...» Бироқ, садо йўқ, садо йўқ...

АТИРГУЛ


Ҳовлимда атиргул. Муаттар бўйлари оқар тўлқинлиб. У баҳмал либосда нақдлар гўзал. Тикилсам тунда бутун тўйгуларим кетди жўшиб. Атиргул пойига дарёдай оқаман. Шабдадай гулни силаيمان, ўпаман, қучаман, сўнтра бошқа одам бўлиб келман дунёга.

Эрта тонг. Шаҳар олар мени бағрига. Атрофга қарайман: турфа хил гуллар. Бир-биридан бирам гўзал. О, бўйлари маст қилар. Билмайман, қай гулга тикилсам эргашар ортимдан. Гулни узаман-да хидлайман димоғим қонғунча. Кейин-чи, кетаман итқитиб, унутилган дарддай унутиб. О, бу ширин, бу аччиқ умрим ичра не-не гулларни кўрмадим. Қай бирларин севдим, ўртандим, кўйдим. Қай бирлари хотиротим боғларида кетганлар сўлиб...

Кена-кундуз мавжлар атиргул ҳовлимда. О, мен уни қандай унутмай?! У умрим дарёсига қўшилиб оқар. Атиргул — умрим гули.

СЎЗ ВА СУРАТ

Кўзларида қулғу ёнган болажоним, энг муқаддас манзилларга элтсин йўллар. Сенинг учун бахт туғилсин эзгуликдан, бош эгсинлар тонгги шабнам эган гуллар.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

МАЖМУАНИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини ўн йилдан бери ўзининг йиллик «Шарқшунослик» илмий мажмуасини чоп этади. Яқинда мажмуа тўпламининг навбатдаги ўнчи сони босмадан чиқди.

Тўплам институт директори, академик М. Хайруллаевнинг «Ислом илмлари ва машур алломалар» номи мақоласи билан очилади. Унда юбилейлари муносабати билан Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда Бурҳонуддин ал-Марғиёний ҳаёти ва ижодларига кенг ўрин ажратилган.

Шунингдек, ушбу журнал саҳифаларидан турли мавзудаги мақолалар, илмий тадқиқотлар жой олган. Ўтмиш тарихимиз ва маданиятимизга қизиққан ўқувчилар «Шарқшунослик» мажмуасининг ушбу ва бёззи олдинги сонларини Абу Райҳон Беруний номидаги институт кутубхонасидан олишлари мумкин.

■ Фулом КАРИМ

САЊАТҚОР НОМИДАГИ МАКТАБДА

Олим Ҳўжаев халқимиз қалбидан муносиб жой олган. Улуғ санъаткор номи билан аталадиган Юнусовод туманидаги 21-ўрта мактабда устоз санъаткорнинг 90 йиллик таваллуди нишонланди. Хотира кечасида эл суйган санъаткорлар — Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Теша Мўминов, Саидкомил Умаров ва бошқалар иштирок этидилар.

Шу кунги мактабда Олим Ҳўжаевнинг бюсти ҳам очилди. Биостни хайкалтарош Тулаган Тожиқўжаев ишлаган.

■ Абдунаим БОЗОРОВ

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбек халқининг қадимий байрами — Наврўза бағишланган миллий урф-одатлар ва қадриятларни тарғиб этиш ва анъаналарни қарор топтиришда йўналтирилган ижодий гўяларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадига қўйиладиган йўналишлар бўйича республика очик танловини эълон қилади:

- 1. Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш гўялари учун;
2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;
3. Байрам томошаси бўйича режиссернинг сахналаштириш режалари учун;
4. Янги яратилган мусиқа асарлари учун;
5. Виллоятларнинг энг яхши бадиий дастурлари учун;
6. Байрам томошаси ўтадиган майдон — сахна бадиий безаш (декорация) ва либослар учун;

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:
Танлов қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари, танловда кўрсатилган йўналишлар бўйича яқин келгудай вақтда ишларини тўлдирган ҳолда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матолида Наврўз байрамининг тарихий анъаналари, қадимий халқ ўйинлари, термалари, қўшиқлари ва фольклор — этнографик хусусиятларини байрамона руҳда ифода этишлари, мустақиллик туфайли республикамизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларини, ислохотларини ва янгиликларини ўзига хос бадиий шаклда кўрсатишлари ҳамда уларда пойтахтнинг байрам ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий бони, Тошкент шаҳри майдонлари ва сойлоқларини ҳисобга олишлари шарт.
Бадиий дастурлар кўлемлари тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир янги соғатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинада 3 нусxada кўчиринган бўлиб, 30-40 соҳифадан ошмаслиги лозим.
Ҳайрат ҳайрат аъзоларининг очик йиғилишида учдан икки овоз олиш орқали белгиланадиган.
Ҳайрат танлов эълон қилинган кундан эътиборан иш бошлайди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ижроия бюроси Таҳиятош шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д. А. Дурдиевга отаси Аман ота ДУРДИЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Forms for FMT-1 subscription and advertising. Includes fields for name, address, phone, and subscription details.

BO'SH MUHARRIR AZIM SUYON TA'HIR HAYBATI Abdulla O'RIPOV Abdulla O'RIPOV JALOLOV Kozokboy YULDOSHEV Isлом SHOFULOMOV Norbobo SHAKAROV (bosh muharrirning birinchi urinbosari) Ashmukla SULTONOV (bosh muharrir urinbosari) Andrey ORLOV (bosh muharrir urinbosari) Bahitiev XAMIDOV (mas'ul kотиb — «O'zbekiston ovozi») Valeriy LABARESHNIX (mas'ul kотиb — «Golos O'zbekistana») MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZII MARKAZII BULIMLAR: Siyosat va huquq — 133-44-55 Iqtisodiyot — 133-76-04 Mavoiyat — 133-07-20 Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16 Axborot — 133-12-56 Kотиbiyat — 133-21-43 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 Faks — 133-73-43, 133-06-83 VILOYAT MUHABIRLARI: Andijonda — 25-16-16; Buxoroda — 23-51-40; Gulistonda — 25-16-22; Jizzaxda — 3-29-44; Navoiyda — 3-39-20; Namanganda — 6-43-43; Нукусда — 222-70-12; Samarqandda — 35-20-54; Toshkentda — 136-53-16; Urganchda — 226-51-35; Farqonada — 26-46-84; Qarshida — 4-61-35; Termizda — 3-79-98. MANZILIMIZ: 700000, TOSKENT, MATBUOTCHILAR KUCHASI, 32-UY. Nавбатчи Турсунали УРМОНОВ Газета «O'zbekiston ovozi»-ning komпyuter markazida teriladi va saхifalandi. Saхifalovchi-dasturчи Iкрамжон ИСМОИЛОВ «Шарқ» нашриёт-матбаа кочнерни босмақонаси. Корхона манзили: Буёк Турун кўчаси, 41-уй. Rўйхатдан ўтти тартиби № 00004 Газета офсет усулда, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. «O'zbekiston ovozi» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади. G — 702. Топшириш вақти -- 21.00. Топшириш -- 22.00. 1 2 3 4 5 6 СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА